

КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ахмет Бахтиярович АКИМОВ

магистр

Ўзбекистон Республикаси Жамоат

хавфсизлиги университети

Тошкент, Ўзбекистон

ahmet.akimov1988@gmail.com

Аннотация

Маколада ҳозирда дунёда жадал суратлар билан ўсиб бораётган, кундан кунга янги турлари чиқаётган ахборот технологиялари соҳасидаги (кибержиноятлар) жиноятлар, ушбу соҳадаги жиноятларнинг хориж давлатларидаги аҳволи таҳлил қилиниб, мазкур соҳадаги жиноятларни тергов қилиш, иш бўйича ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ҳамда уларни расмийлаштириш усуллари ва тартиби ёритилиб ўтилган.

Таянч сўзлар: киберхужум, ахборот коммуникация технологиялари соҳасидаги жиноятлар, кибержиноятчилик, терговчи ва мутахассис ваколатлари, тергов ҳаракатлари, ходиса жойини кўздан кечириш.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕДУРЫ РАССЛЕДОВАНИЯ И РЕГИСТРАЦИИ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ

Ахмет Бахтиярович АКИМОВ

Магистр

Университета общественной безопасности

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

ahmet.akimov1988@gmail.com

Аннотация

В статье анализируется стремительно растущее количество преступлений в сфере информационных технологий (киберпреступности) в мире, положение дел с преступлениями в зарубежных странах, расследование преступлений в данной сфере, следственные действия по делу, а также способы и порядок их регистрации.

Ключевые слова: кибератака, преступления в сфере информационно-коммуникационных технологий, киберпреступность, полномочия следователя и специалиста, следственные действия, осмотр места происшествия.

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши ва фуқаролик жамиятининг барча соҳаларида Интернетдан кенг фойдаланиш кундалик фаолиятнинг бир қисмини ташкил этиб, хизмат кўрсатиш, илм-фан, таълим, электрон тижорат, шунингдек замонавий инсоннинг фикрлаш тарзига ўзининг ижобий таъсири билан кириб келди. Ҳаёт

сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган ушбу ўзгаришлар билан бир қаторда, жинойтчиликнинг янги шакллари ривожлантиришга қулай шароитлар пайдо бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Ўз навбатида ушбу турдаги жинойтларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда юқори билим ва касбий тайёргарликни талаб қилмоқда. Ахборот технологияларининг доимий ривожланиши ва Интернетнинг пайдо бўлиши билан “Ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтлар” тушунчаси шаклланди.

Электрон жинойтларнинг асосий фарқи шундаки, уларнинг баъзилари компьютер ёрдамида (*компьютер жинойтлари*), бошқалари эса Интернет (*кибержинойтлар*) орқали содир этилади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтларнинг айрим турларини куйидагиларда кўриш мумкин: вирусли дастур тарқатиш; махфий маълумотларни ўғирлаш; интеллектуал фаолият маҳсулотларини ўғирлаш; ижтимоий тармоқларда аккаунтларни бузиш; ёлғон маълумот тарқатиш, тухмат қилиш; миллатлараро низо ёки динлараро адоватни кўзғатиш; банк пластик карталари билан ноқонуний операциялар; қимматли қоғозлар бозоридаги интернет-фирибгарлик; молиявий пирамидалар; мобиль алоқа билан боғлиқ жинойтлар; электрон тижорат соҳасидаги ва бошқа жинойтлар.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб 95 фоизи мобиль телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинган, McAfee ва Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йилда кибержинойтлардан кўрилган молиявий йўқотишларнинг умумий миқдори, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 1 фоизини ёки 820 миллиард еврини ташкил этган [8].

“RTM Group” ахборот хавфсизлиги (IS), суд-экспертизаси ва IT қонунчилиги соҳасида етакчи консалтинг компанияси томонидан олиб борилган таҳлил натижасига кўра, ривожланган Россия Федерациясида 2021 йилда 518 мингга яқин кибержинойтлар рўйхатга олинган, бу

2020 йилга нисбатан 1,4 фоизга, 2019 йилдаги кўрсаткичдан 1,8 баравар кўпдир [7]. Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, АКТ соҳасидаги жиноятлар йилдан йилга кўпайиб кетаётганлигини кўриш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, АКТ соҳасидаги жиноятларнинг бундай белгисини суверен давлатларнинг чегараларини тан олмайдиган трансчегаравий табиати сифатида ҳам қайд этиш лозим. Жиноий тажовуз объекти ва тажовузкор дунёнинг турли бурчакларида жойлашган бўлиши мумкин, АКТнинг эса бевосита ўзаро таъсир қилиш имконини беради.

АКТ соҳасидаги жиноятлар кўп ҳолларда яширин бўлади, лекин уларни иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

- ахборот-коммуникация ресурсларининг ўзига, унинг таркибий қисмларига ва уларнинг тўғри ишлашига зарар етказишга қаратилган жиноятлар кирса;

- гуруҳ жиноий ниятга эришиш учун компьютер технологияларидан фойдаланиладиган жиноятларни (*ўзирлик, ўзлаштириш, тухмат қилиш, шахсий маълумотларни олиш ва ҳоказо*) ўз ичига олади.

АКТ соҳасидаги жиноятлар деганда – ахборот-коммуникация технологияларининг инфратузилмасига, шахс, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказувчи ёки бундай зарар етказиш хавфини туғдирувчи қонунга хилоф ҳаракатлар тушунилади.

АКТ дан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга тўлиқ ёки қисман виртуал маконда АКТдан фойдаланган ҳолда содир этилган барча ижтимоий хавфли қилмишлар киради [5].

АКТ соҳасидаги жиноятларнинг юқорида кўрсатилган бўлиниши нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга, чунки содир этилган жиноят таркиби жиноят ишлари бўйича исботлаш предмети ва чегараларига, тергов ва терговгача бўлган текширувларни ташкил этиш тактикасини белгилашга бевосита таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш мониторинги тизимини такомиллаштириш, уларни ҳимоя қилишни ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4024-сон қарорига мувофиқ “Техник ёрдам маркази” ташкил этилди. Ахборот маконида рухсат этилмаган ёки бузғунчи ҳаракатларни амалга оширишда қўлланиладиган усул ва воситаларни, ҳуқуқбузарларни таҳлил қилиш, аниқлаш доирасида телекоммуникация тармоқлари операторлари ва провайдерлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун масъул бўлган орган ташкил этилган [2].

Табиийки, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва терговни ўтказувчи органнинг мансабдор шахслари ўз фаолиятини АКТ соҳасидаги махсус билимга эга ваколатли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўтказиши, кечиктириб бўлмас тезкор тергов ҳаракатларини амалга ошириш, хусусан, ушбу соҳанинг малакали мутахассиси иштирокида жиноят бўйича маълумотларни тўплаш ва уларни процессуал тартибда қайд этиш ва расмийлаштириш имконини берадиган АКТ воситалари ва содир этилган жиноят тўғрисидаги ахборот ташувчиларни кўздан кечириш зарур.

Компьютер соҳасидаги жиноятларни тергов қилишнинг сифатига кўп жиҳатдан АКТ, телекоммуникация, дастурлаш ва ахборот хавфсизлиги соҳаларида махсус билимга эга бўлган мутахассисларни жалб қилишнинг таъсири катта ҳисобланади.

Бундай мутахассисларнинг ёрдами терговнинг ҳар бир босқичида зарур ва талаб қилинади – жиноят белгиларини аниқлашдан тортиб то судда айбловни қўллаб-қувватлашгача муҳим аҳамиятга эга бўлади. Махсус билимлар терговнинг дастлабки босқичида – иш материалини дастлабки текшириш пайтида, шунингдек, тезкор-қидирув тадбирларида талаб қилинади.

Мутахассис – процессуал ҳаракатларда иштирок этиш, ашёлар ва ҳужжатларни аниқлаш, таъминлаш ва олиб қўйишда ёрдам бериш, техник

воситалардан фойдаланиш учун махсус қобилиятга эга бўлган шахс бўлиб, у жиноят иши материалларини ўрганиш, экспертга саволлар бериш, шунингдек ўз касбий ваколатига кирувчи масалалар бўйича тарафлар ва судга тушунтириш бериш мумкин [6].

Лекин, бизнинг ЖПКнинг 69-моддасида мутахассисга тўлиқ таъриф берилмаган бўлиб, фақатгина мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, АКТ соҳасидаги ваколатли тузилмаларнинг давлатлараро, идоралараро ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш зарурдир. Расмий сўровлар ёки илтимосномалар юбориш орқали бошқа давлат ҳудудида ёки АКТдан фойдаланган ҳолда жиноят содир этган шахсларни тез аниқлаш мумкин.

Фикримизча, юқоридагилардан келиб чиқиб, АКТ соҳасидаги жиноят ишлари бўйича терговни ташкил этишнинг самарадорлиги ва сифати билан боғлиқ асосий масалаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- терговчиларни АКТ соҳасидаги билим даражасин ошириш;
- далилий маълумотларни ҳодиса жойида мутахассис иштирокида сифатли қайд этиш;
- давлатлараро ёки идоралараро ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- асосий интернет ресурсларининг (*ижтимоий тармоқлар, тармоқ тугунлари, серверлари*) асосан миллий юрисдикциядан ташқарида жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолда, АКТ соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва рўйхатга олиш тузилмалари ва усуллари такомиллаштириш;
- услубий қўлланмалар, муваффақиятли тергов қилинган жиноят ишлари шарҳларини яратиш орқали АКТ соҳасида жиноятларга қарши курашиш бўйича ижобий тажрибани тарқатиш.

Бугунги кунда жиноят ишларини тергов қилишда энг кенг тарқалган тергов ҳаракатларидан бири бу кўздан кечириш тергов ҳаракатидир. Кўздан кечириш тергов ҳаракати давомида олинган маълумотлар нафақат далилий

аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки терговни тўғри йўналишга солишда, терговни режалаштиришда ва тергов ҳаракатларининг кетма-кетлигини танлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

АКТ соҳасидаги жиноятлар бўйича биринчи навбатда ўтказиладиган тергов ҳаракатларидан бири бу кўздан кечириш тергов ҳаракати ҳисобланади. АКТ соҳасидаги жиноят ишлари бўйича кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг аниқ қонуний тартиби ва механизми ишлаб чиқилса, жиноят ишлари бўйича аҳамиятга эга маълумотларни вақтида ва сифатли олиншида катта ёрдам беради. Тергов ҳаракатини ўтказишда кимлар иштирок этиши, уларнинг вазифалари, нималарга эътибор берилиши, ҳолатни ва маълумотларни қайд этиш ҳамда расмийлаштиришнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиб қонунчиликка жорий этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг [1] талабларидан келиб чиқиб, кўздан кечиришнинг қуйидаги турларини ажратиш кўрсатиш мумкин: ходиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни (*135-моддаси кўздан кечириш асослари*), одам баданини кўздан кечириш гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига асосланган ҳолда (*ушбу Кодекснинг 142-147 ва 172-187-моддалари*) амалга оширилади ҳамда почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ушбу Кодекснинг 167-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилиши кўрсатилган.

Юқорида кўрсатилган таснифнинг мезони кўздан кечириш объекти ҳисобланади яъни, криминалистик аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг жойлашган жойи ёки сақланиш жойи.

АКТнинг кундалик ҳаётга фаол жорий этилиши, зарур маълумотларни нафақат моддий бўлган сақлаш ташувчиларида, балки бошқа тармоқ ресурсида яъни, масофадан туриб фойдаланиш мумкин бўлган қурилма ёки ахборот бўлаги бўлган маҳаллий компьютер тармоғи ёки интернет глобал компьютер тармоғида ҳам сақлаш имкониятини яратди.

Тармоқ ресурсини текширишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири баённомада қайд этиш зарурати билан боғлиқ. ЖПКда назарда тутилган бошқалардан фарқ қиладиган махсус кўздан кечириш объекти интернет тармоқ ресурси бўлишига қарамай, уни тергов ҳаракатининг алоҳида тури сифатида ЖПКда назарда тутилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, судга қадар бўлган жиноят ишини юритиш самарадорлигини ошириш, фан ва техника ютуқларини, дастлабки терговни ташкил этишнинг илғор шакл ва усулларини амалиётга жорий этиш мақсадида ЖПКнинг кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган тегишли моддасига кўздан кечиришнинг алоҳида объекти сифатида *тармоқ манбасини* киритиш.

Шунингдек, мазкур соҳадаги жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган тергов ҳаракатларига (*рақамли криминалистика соҳаси бўйича*) мутахассисни жалб қилган ҳолда ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш шарт. Шундан келиб чиқиб, ЖПКга айнан АКТ соҳасидаги жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган тергов ҳаракатларига айнан (*рақамли криминалистика соҳаси бўйича*) тегишли билимга эга бўлган мутахассис чақирилиши шартлиги ҳақида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу эса ўз навбатида ушбу соҳадаги жиноят ишлари бўйича олиб бориладиган тергов ҳаракатларини ўтказиш ва натижаларини қайд этиш ва расмийлаштиришнинг сифатини, тўлиқлигини, тезкорлигини ва олинган далилларнинг мақбуллигини таъминлайди.

Қолаверса тергов ва суд амалиётини ўрганиш жараёнида АКТ соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда юзага келадиган айрим муаммоларни қуйидаги мисолларда кўрсатиб ўтиш зарур, хусусан:

- уяли алоқа операторлари компаниялари ва молия-кредит муассасаларидан жиноят ишлари бўйича далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни олиш муддати кўп вақтга чўзилиб кетиши [4];

- жиноят содир бўлган жойни аниқлашдаги қийинчиликлар, чунки кўп ҳолларда ўғирланган маблағлар ҳудудимиздаги ёки бошқа мамлакатлардаги бир нечта шахсий ҳисоб рақамларига ўтказилади;

- жиноятчилар томонидан хорижий телекоммуникация компаниялари имкониятларидан ва Интернетда анонимликни таъминловчи дастурлардан фойдаланиш;

- суд техник экспертизаларини ўтказиш имкониятига эга бўлган мутахассисларнинг етарли эмаслиги [3];

- молия-кредит ташкилотлари, тўлов тизими операторлари ва мобил алоқа операторларида электрон маълумотларни сақлаш муддатларининг етарли эмаслиги;

- ушбу тоифадаги бир хил турдаги жиноятларни квалификация қилишда ягона ёндашувнинг йўқлиги.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридагилардан кўриниб турибдики, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда юзага келадиган асосий муаммоларни ҳал қилиш фақат ахборот хавфсизлиги масалаларига ихтисослашган давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг комплекс ўзаро ҳамкорлиги билан мумкин бўлади.

Бундай мутахассисларни кибержиноятларга қарши курашиш ва кибермакон хавфсизлигини таъминлашга жалб этиш зарурати замонавий ахборот-телекоммуникация тармоқларининг марказлашмаган тузилиши ва уларнинг трансчегаравий хусусияти билан боғлиқ. Фақатгина бундай ўзаро ҳамкорликни таъминлаш орқали ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни муваффақиятли тергов қилиш, давлатимизнинг ахборот хавфсизлиги ва технологик мустақиллигини керакли даражада таъминлаш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 22.09.1994 йил. [Электронный ресурс]: <https://lex.uz/docs/111460>.

2. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21

ноябрь ПҚ-4024-сон Қарори. [Электронный ресурс]:
<https://lex.uz/ru/docs/4071401>

3. Аналитические материалы СД МВД России за 2016 год. [Электронный ресурс]: <https://cyberleninka.ru/article/n/otdelnye-aspekty-rassledovaniya-kiberprestupleniy-v-finansovo-kreditnoy-sfere/viewer>

4. Мешков М.В., Гончар В.В. Досудебное соглашение о сотрудничестве: проблемы и перспективы // Закон и право, 2011. – № 1. – С.26.

5. Рускевич Е.А. Преступления, совершаемые с использованием информационно-коммуникационных технологий: результат интерпретации // Преступность в сфере информационных и телекоммуникационных технологий: проблемы предупреждения, раскрытия и расследования преступлений, 2018. – № 1(4). – С.101-106.

6. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 09.03.2022) (с изм. и доп., вступ. в силу с 17.03.2022) [Электронный ресурс]: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/

7. Число киберпреступлений в России. [Электронный ресурс]: <https://www.tadviser.ru/index>.

8. <https://www.delfi.lt/ru/abroad/global/uscherb-ot-hakerskih-atak-v-mire>.